

Биринчи ҳайит куни амаллари | Фикҳ дарслари (368-дарс)



00:00 / 27 февраль 138

Сўнг водийнинг ичида туриб, ақаба жамрасини етти марта чертиб отади. Ҳар бирида такбир айтади.

Минога келиб, жойлашиб бўлгандан кейин, энди тош отиш бошланади. Ҳайитнинг биринчи куни етти дона тош Жамраи Ақаба деб номланган жойда отилади. У жой Жамраи Кубро, Жамраи Ухро деб ҳам аталади. Тош отиладиган жойга нисбатан Мино томонда туриб, орада беш газ миқдорича масофа қолдириб (узоқроқ бўлса ҳам майли), бармоқларининг учи билан отиш керак.

Ҳар бир тош «Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар», деб отилади. Агар тош бирор одамга ё нарсага тегиб кетса ҳам, махсус жойга тушса бўлди, ҳисобга

ўтади. Лекин кўзланган жойга етмаса, бошқатдан отиш вожиб бўлади.

عَزَمَ الْجَلِي مَرِي هَارْفُ، هُنَّ عُلَلِ الْيَضَر دُوْعَسَمَنْ بَا عَمَّ حُحُّ هُنَّ أَدِي زِي نَبَنْ مَحْرَلِ دَبَّ عَنْ
أَدَهْ: لَأَقُ مَثُ هُنَّ مَيَّ نَعَنْ مَوَّ، هِرَاسَيَّ نَعَنْ تَبَّ لَلْجَعَجَفُ، تَأَيَّ صَحَّ عَبَّ سَبَّ يَرْبُ كَلَلِ
مَلْسُ مَوَّ يَرَاخُ بَلَّ هَاوَرَّ، رَقَبُ لَأَرْوَسُ هِيَّ لَعَنْ تَلَزُّنُ أَدَلَّ مَأَقَمُ

Абдуррахмон ибн Язийд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«У Ибн Масъуд розияллоху анху билан бирга ҳаж қилди. Бас, унинг катта тош отишни етти майда тош ила чап томонини қиблага, ўнг томонини Минога қилиб туриб отганини кўрди. Сўнгра:

«Шу мақомда у зотга Бақара сураси нозил бўлган», деди».

Бухорий ва Муслим риовят қилишган.

Демак, Набий соллаллоху алайҳи васаллам Ақаба тошини қандай қилиб отган бўлсалар, Ибн Масъуд розияллоху анху ҳам худди шундай қилиб отган. Иложини қилган ҳожилар ҳам ана шундай қилиб отсалар, яхши бўлади.

يَلَع يَمَرِي مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لِيَصَّ يَبَّ لَأَتِيَّ أَرُّ: لُوقِي، هُنَّ عُلَلِ الْيَضَر رَرَبَّ أَجَّ نَعَنْ
دَعَبَّ حُحَّ أَلَّ يَلَعْلَ يَرْدَأَ أَلَّ يِّنَّ إِفُّ، مَكَّ كَسَّ أَمَّ أُوْدُحَاتَلَّ: لُوقِي وَ، حَّ نَلَّ مَوَّيَّ وَتَلَّ حَارَّ
دَمَّ حَّ أَوَّ دَوَادُ وَبَّ أَوَّ مَلْسُ مَوَّ هَاوَرَّ. «هَدَهْ يَتَّ حَّ

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳайит куни уловлари устида туриб тош отаётганларини ва: «Ҳаж ибодатларингизни мендан олишларингиз учун. Мен билмайман, эҳтимол, ушбу ҳажимдан кейин ҳаж қилмасман», деяётганларини кўрдим».

Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Демак, тош отишни уловнинг устида туриб адо этса ҳам бўлар экан.

Биринчи кунги Ақаба тошини отиш қуёш чиққандан бошлаб, заволгача давом этади. Иккинчи ва учинчи кунлари, ким тўртинчи кунга қолса, тўртинчи куни ҳам уч жойда тош отиш заволдан кейин бошланиб, қуёш ботгунча давом этади.

Тошни Муздалифадан ёки хоҳлаган бошқа жойдан териб олиш мумкин. Аммо одамлар отган тошлардан бўлмаслиги шарт. Майда тошлар терилади, ҳажми нўхатдан каттароқ бўлса яхши.

Кейин истаса, жонлик сўяди.

Ҳозиргача ҳажи васф қилинаётган шахс Ифрод ҳажга ният қилган ҳожидир. Бундай ҳожига жонлик сўймоқ вожиб бўлмайди. Бошқаларга вожиб бўлади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنِّي جَعَلْتُ الْحَجَّ حُرْمًا مَّشْرُوعًا لِيُذَكَّرَ بِهِ لِقَاءِ رَبِّهِمْ فَمَنْ أَتَى الْحَجَّ مِنْكُمْ فَلْيَحْجْ حُرْمًا مَّشْرُوعًا لِيُذَكَّرَ بِهِ لِقَاءِ رَبِّهِمْ فَمَنْ أَتَى الْحَجَّ مِنْكُمْ فَلْيَحْجْ حُرْمًا مَّشْرُوعًا لِيُذَكَّرَ بِهِ لِقَاءِ رَبِّهِمْ

Жобир розияллоҳу анхунинг Ҳажжатул вадоъ ҳақидаги машҳур ҳадисларида жумладан, қуйидагилар айтилган:

«Кейин бурилиб, қурбонлик сўядиган жойга бордилар. Бас, олтмиш учта(қурбонлик)ни ўз қўллари билан сўйдилар. Қолганларини Али сўйди. Ул зот уни қурбонликларига шерик қилдилар. Сўнгра амр қилиб, ҳар бир туядан бир оздан гўшт олдириб, қозонга солдириб, пиширтирдилар. Икковлари ундан еб, шўрвасидан ичдилар».

Муслим ривоят қилган.

Кейин сочини қисқартиради. Эркаклар учун сочини олдириш афзалдир.

Чунки Аллоҳ таоло:

تَخَافُونَ لَكُمْ مَقْصِرِينَ زُرُّوْكُمْ مَخْلُوقِينَ ؕ اٰمِنِيْنَ اَللّٰهُ شَآءَ اِنْ اَلْحَرَامَ الْمَسْجِدَ لَتَدْخُلَنَّ

«Албатта, Масжидул Ҳаромга, иншааллоҳ, омонликда, сочларингиз олинган, қисқартирилган ҳолда, қўрқмасдан кирасизлар» (Фатҳ сураси, 27-оят), деганида соч олдиришни аввал зикр қилган.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنِّي جَعَلْتُ الْحَجَّ حُرْمًا مَّشْرُوعًا لِيُذَكَّرَ بِهِ لِقَاءِ رَبِّهِمْ فَمَنْ أَتَى الْحَجَّ مِنْكُمْ فَلْيَحْجْ حُرْمًا مَّشْرُوعًا لِيُذَكَّرَ بِهِ لِقَاءِ رَبِّهِمْ

Ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳим! Соч олдириганларга раҳм қилгин!» дедилар.

«Қачон бирингиз Ақаба тошини отса, батаҳқиқ, унга аёллардан бошқа барча нарса ҳалол бўлади», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Мана шуни «биринчи ҳалоллик» дейилади.

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَصَّيْبٍ نَبِيٍّ طَأْتُنْكَ: تَلْأَق، أَوْ نَعْلُ لَلِصَّرَةِ شَيْءٍ أَعْنَع
هُ أَوْرُ كَسْمِ هِي فِي بَيْطِ بَابِ تَبِيٍّ لَبَّابَ فَوْطِي نَأْلَبَقْرُحِ نَلْمُ وَيَوْمَ مَرْحُي نَأْلَبَق
يُذَمَّرُ تَلْأَوْ مَلْسُم

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга эҳромга киришларидан олдин ва ҳайит куни Байтни тавоф қилишларидан олдин ичида миск бор хушбўйни суртдим».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Демак, биринчи ҳалолликда хушбўй нарса суртиш ҳам мумкин бўлар экан.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.